

Ушбу Низомга 2014 йил 4 апрелдаги 81-сонли Баённомаси билан 1- сонли қўшимча киритилган, рўйхат рақами №563.

Ушбу Низомга 2015 йил 6 апрелдаги 98-сонли Баённомаси билан 2- сонли ўзгартириш киритилган, рўйхат рақами №609.

503 - сон билан
рўйхатга олинган

"Асака" банк (ОАЖ) Бошқарувининг
2012 йил 30 июлдаги
207-сонли Баённомаси билан
"ТАСДИҚЛАНГАН"

**«АСАКА» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
(ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ)НИНГ
ЮРИДИК БОШҚАРМАСИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

“АСАКА” БАНК (ОАЖ)НИНГ ЮРИДИК БОШҚАРМАСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур «Асака» банк (ОАЖ)нинг Юридик бошқармаси тўғрисидаги Низом (матн бўйича кейинги ўринда – “**Низом**”) Юридик бошқарманинг вазифа, функция, ҳуқуқ, мажбурият, жавобгарлиги ва “Асака” банки (ОАЖ)нинг таркибий бўлинмалари ва филиаллари билан ўзаро муносабатларини, ҳамда Юридик бошқарманинг иш регламентини белгилаб беради

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Юридик бошқарма “Асака” банк (ОАЖ) Бош Офисининг таркибий бўлинмаси бўлиб, “Асака” банк (ОАЖ) Бошқаруви Раисига бевосита бўйсунди.

1.2. Юридик бошқарма ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, бошқа қонун ҳужжатлари, халқаро актлар (низомлар, конвенциялар ва бошқалар), Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, Давлат Бошқарув органларининг ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли Қарори билан тасдиқланган (2-Илова) “Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида”ги Низоми, “Асака” банк (ОАЖ) (матн бўйича кейинги ўринда – “**Банк**”) Устави ва мазкур Низомга амал қилади.

1.3. Юридик бошқарманинг тузулиши ва штати Банк Бошқаруви Раиси томонидан тасдиқланади. Юридик бошқарманинг таркибига кирувчи бўлим ва секторлар тўғрисидаги Низомлар ушбу Низомнинг иловалари ҳисобланади.

1.4. Юридик бошқармани Банк Бошқаруви Раиси томонидан тайинланган Бошлиқ бошқаради.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли Қарори билан тасдиқланган (2-Илова) “Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, Юридик бошқарма бошлиғи лавозимига олий юридик маълумот ва 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга шахс тайинланиши мумкин.

1.6. Юридик бошқарма таркибига қуйидагилар киради:

- Талабнома-даъво ишлари Бўлими;
- Кредит лойиҳалари ҳужжатларини экспертизаси Сектори;
- Шартномавий-ҳуқуқий ишлар Сектори.

2. ЮРИДИК БОШҚАРМАНИНГ ВАЗИФА ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

2.1. Қуйидагилар Юридик бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) Банк ва унинг таркибий бўлинмалари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлашда қатнашиш;

б) Банк ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини оширишда қатнашиш;

в) Банк ва унинг таркибий бўлинмалари мулкнинг сақланишини ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш ишларини ташкил қилиш;

г) Банкда шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритишда қатнашиш;